

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ

“ШАРҚ МУСИҚАСИ” ФАКУЛТЕТИ

“ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК” КАФЕДРАСИ

САФАРОВА РЕГИНА ИРКИН ҚИЗИ

**“Дутор ижрочилигида усуллар”**

“5150700 – Чолғу ижрочилиги (халқ чолғулари) йўналиши”

Бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШ

Илмий – ижодий рахбар:  
доцент Н. С. Шарипов

Тошкент – 2017 й

Мавзу: “Дутор ижрочилигида усуллар”

## **КИРИШ.**

### ***I* БОБ.**

#### ***ДУТОР ЧОЛҒУСИ ҲАҚИДА***

1. 1. Дутор ҳақида умумий маълумот
1. 2. Дутор чолғуси усуллари (штрихлари) ҳақида

### **II БОБ**

#### **ДУТОР ЧОЛҒУСИДА ШТРИХЛАР**

2. 1. Усулларнинг асарларда қўлланилиши
2. 2. Х. Рахимов “Шарқона наво Фантазия”,  
О. Абдуллаева “Дутор ифори” асарларида усулларнинг  
қўлланилиши

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

## Кириш

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбек миллий мусиқа мизқадимги анъаналарга бой чолғуларнинг турлича тоифаларини ҳамда ранг – баранг жанр йўналишдаги чолғу асарларини ўз ичига қамраб олади.

Чолғуларимиздан бизгача етиб келганларидан бири – дутор созидир. Дутор ўзбек халқининг қадимий ва энг сеvimли мусиқий созларидан биридир, унинг пайдо бўлиш тарихига келсак, эрамиздан аввалги асрларга бориб тақалади. Дутор форсча сўз бўлиб икки тор деган маънони билдиради. Чолғу асбобларидан дутор мусиқий чолғуларимиз орасида энг қадимийларидан бири бўлибгина қолмай, инсон руҳиятига мойилликлиги-ю, мунгли ҳамда қалбга яқин оҳанг таратиши билан ажралиб туради. Ўрта Осиё халқларининг дутор ва дуторсимон (туркман дуторлари, қозоқ ва қирғиз дўмбиралари) чолғуларининг замини бир эканлиги, ушбу халқларнинг маънавият илдизлари бирлигидан далолатдир. Зеро, бармоқларнинг сеҳрли майин ҳаракатлари орқали торлар айнан қалб нидоси сифатида оҳанг таратади. Халқ орасида дутор «дилкаш чолғу» номини олган. Унда ижро этилган ҳар қандай куй оҳанг қалб торларини тебратади. Чунки бу нола қалб истаган оҳангдир. Шунинг учун дутор аёлларимиз кўлида ҳасрат қуроли, дил изҳорини намойиш этиш учун ҳамроҳ бўлган кўнгил ошносидир.

Дуторнинг бундай имкониятлари турли халқлар мусиқа меросини ижро этиш учун етарли даражададир. Дутор ижрочилиги амалиётида шаклланган ҳамда ўз меъёрида давом этиб, ривожланиб келаётган турли ижрочилик йўналишлари ҳам бунинг амалдаги исботидир. Дутор, умуман халқ чолғулари орасида ижрочилик санъатида ўзига хослиги, анъанавий услубда ижрочилигига мойиллиги, халқ йўлидаги мусиқа мизда жозибалилиги ҳамда академик йўналишда кенг маҳоратли чолғу эканлигини доимо намоён этиб келмоқда. Дутор қайси йўналишда бўлмасин, ижросида шу услубга хос анъанаси бор ва уларни ифодаловчи ўз жозибаси бор.

Дутор созининг профессионал ижрочилик амалиётидаги ўрни ҳам бекиёс. Ушбу жараён чолғунинг жаҳон мусиқа намуналари ижрочилиги билан характерланади. Айниқса Шарқ ва Оврўпа композиторларининг асарлари дутор тараннумида янада жозоба ва маъно англатиши кўпчиликка аёндыр. Чунки Ориф Қосимов, Дони Зокиров, Гофир Қодиров, Ҳамид Раҳимов, Мардон Насимов, Мустафо Бафоев, Қаҳрамон Комилов, Абдусайд Набиев, Алишер Расулов каби бу йўналишларга асосланиб ўзбек бастакор ва композиторларининг дутор чолғуси учун замонавий услубда яратган асарлари ижрочилик амалиётида ўз ўрнини топишга улгурган. Уларнинг яратган асарлари бўлажак композиторларимизнинг ижодиётларига туртки бўлиши, келажакда замонага мос равишда раванқ топиши муқаррардыр. Шуларни ўқув жараёнида ёш созандаларга маълумот бериш, назарий ва амалий билимларни эгаллаш, таълим – тарбиядаги муҳим вазифалар қаторига киради.

**Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари.** Ҳар бир халқнинг дутор ижрочилигидаги ўзига хос техник имкониятлари, усул бойликлари, оҳанг жозибалари мавжуд. Албатта уларнинг бетакрор ижро маҳоратлари созанда учун ўз фаолиятининг ривожлантирилишида қулай имкониятдыр. Дутор чолғуси Марказий Осиё давлатларининг деярли барча ўлкалари, тожик, уйғур, қорақалпоқ, туркман халқларининг севимли чолғуси сифатида кенг тарқалган. Дуторга ўхшаш чолғуни, қозоқларда «Дўмбира», қирғизларда «Қўбуз» деб аташади.

Дутор – ўзбек анъанавий чертма чолғу созларидан бири. Узок ўтмишдан халқ ижрочилик амалиётидан муносиб ўрин эгаллаб келаётган дутор, айти пайтга келиб анъанавий ижро услубига хос барча гуруҳлар таркиби билан жой олди. Анъанавий якканавоз сифатида шаклланди ва етакчи чолғулар қаторига кирди. Дуторнинг тарихий шаклланиши ва бошқа чолғулар билан уйғунлик жиҳатлари узок ўтмишга бориб тақалсада, мусиқий рисолаларда XV асрдан бошлаб таърифланиб келади. “Фаробий маълумотларига қараганда, Хуросон танбури ўзининг кўплаб белгилари

билан замонавий дуторни эслатади”. Лекин, дуторнинг ўз номи ва унинг барча (шаклий, таркибий, ижровий) имкониятлари билан илк бор XV яшаб ижод этган мусиқашунос олим Зайнилобиддин ал – Ҳусайний ўзининг мусиқа илмига бағишланган “Қонуни илм ва амали мусиқий” номли рисоласида баён этган. Дарҳақиқат, унда иккита торли ва уларнинг орлиғи кварта интервалини ташкил этувчи, дастасига боғланган пардалари ўн битта бўлган дутор чолғу асбоби таърифланади. Лекин, қайд этиш жоизки, рисолада тавсифланган дуторнинг косахонаси ҳозирги замон дуторидан оз бўлсада каттароқ, дастаси эса қисқароқдир. Даврлар оша чолғулар бўлсада каттароқ, дастаси эса қисқароқдир. Даврлар жараёнини ўташи муқаррардир.

“Тунда Афлотун шогирдларидан пинҳона ўз хужрасида бир чолғу созини ясаётган вақтида, уни қандай соз ясаётганини ўрганиб олиш учун шогирди Арасту оҳиста туйнукдан мўралайди аммо унга чолғу кўринмайди шунда у чолғуни деворга шам нуридан тушаётган соясидаги шаклга қараб, тонггача у ҳам пинҳона бир мусиқий чолғуни ясашга киришади. Тонгда Арасту ясаган чолғусини устози Афлотунга олиб борганда шу нарса маълум бўладики тунда Афлотун косаси катта дастаси ингичка чолғу ясаган бўлади. Арасту эса аксинча сояда кўзига дастаси йўғон, косаси кичкина кўринган шаклдаги чолғуни ясаган бўлади. Шундан Афлотун ясаган ингичка даста катта косали чолғу Дутор, Арасту, уни соясидан қараб ясаган косаси кичик, дастаси йўғон чолғу эса Танбур бўлиб қолган экан”.

Ўтмиш рисолаларда Дутор ҳақида етарли маълумотлар кам, Дутор Танбурга нисбатан енгил ижро этилганлиги сабабли халқ ичида энг оммавий чолғу бўлиб келган. Пардаларининг пастлиги, сони жиҳатидан камлиги туфайли уни кўпинча аёллар қўллаб келганлар ва ҳонаки, енгил куй қўшиқ ижросида, фолклор йўлларида фойдаланганлар.

60-70 йилларда дутор сози ижрочилари сифатида Абдусамат Илёсов, дуторчи Лаъли Султонова, Ориф Қосимон, Сайфи Йўлдошев, Муҳаммаджон Асилов, Султон Қосимов, Гулчеҳра Муҳамедова, Доно Раҳимоваларнинг номларини қайд этиш мумкин. Ҳозирги кунда эса дутор чолғусини тарғиб

қилаётган чолғучиларимиз Боқижон Раҳимжонов, Розибби Хожиева, Улуғбек Юнусовлардир. Шуларни ёш созанда-талабаларга ўргатиш муҳим вазифа ҳисобланади. Мақсад ёш ўқувчи-талабалар ўз чолғулари тарихи, ижрочилари, ижро йўллари мукаммал эгаллашлари лозим.

**Битирув малакавий ишнинг янгилиги.** Дутор чолғуси ҳақида маълумот, ижрочилар, созгар усталар, асарлар ижроси таҳлили баён этилади. Бундан турли ўқув юртлиги ўқитувчи ва ўқувчилар ўз фаолиятларида фойдаланишлари мумкинлигини инобатга олиб, адабиётлар, тарихий манбаалардан маълумотлар жамланди.

**Тадқиқот предмети.** Дутор чолғуси ижроси, ижрочилари, созгар усталар ҳамда усуллар.

**Тадқиқот объекти.** Дутор ижрочилиги йўллари, асарлар таҳлили, жумладан Ҳ.Рахимов “Шарқона наво фантазия”; О.Абдуллаева “Дутор ифори” асари ҳамда кичик асарларни ижро қилиш усуллари ёритиш.

**Битирув малакавий ишнинг тузилиши.** Кириш, 2 боб, 4 параграф, хулоса, таклифлар, иловалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

## 1.БОБ.Дутор чолғуси хақида

### Ўрта Осиёдаги дуторсимон чолғулар

Бу чолғунинг дутор деб номланиши форс тилининг давлат тили сифатида шаклланганлиги, дутор чолғуси ўтроқ ҳолатда шаҳарларда яшовчи аҳоли ўртасида ҳам кенг тарқалганлиги, бу чолғу созга дутор номи қўйилиб одат тусига кирган, лекин даставвал дутор чолғуси туркийзабон халқлари орасида дўмбра деб аталган, деган тахминлар мавжуд. Фикримизча ўзбекларнинг кўчманчи тарзда яшовчи аҳолиси Самарқанднинг жанубий туманлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятида дўмбра номли чолғу ҳозирги кунгача сақланиб келиниб, бадий ҳаётда кенг фойдаланилгани далил бўла олади. Дутор – чертма чолғу бўлиб, дўмбира чолғусини чалиш услубига ўхшаш ўнг қўл бармоқлари ёрдамида икки торни чимдиб чалиш орқали товуш чиқарилади. Бу чолғу тарихдан Марказий Осиё ва Шарқий Туркменистонда кенг тарқалган.

Ўзбек дутори хақида сўз юритилган, бу чолғунинг шевавийлик хусусияти борлигини ҳам кузатиш мумкин. Биз дутор чолғусининг тузилиши, ўлчамлари, қайси ашёдан ясалганлиги, муסיкий акустик хусусиятлари, энгономик имкониятлари хақида маълумотларини кузатганимизда биргина Ўзбекистоннинг ўзида бир неча шевага хос дутор турлари мавжудлигини кўрдик. Шу билан бирга биргина дутор номи билан беш миллат: ўзбек, уйғур, қорақалпоқ, тожик, туркман халқларида ҳам чолғу сози мавжудлигини кузатдик. Ўз навбатида бу халқлар дуторларининг ўзаро бир-бирдан фарқ қилишини кузатиш мумкин.

**Ўзбек дутори** – кенг тарқалган, майин ҳамда обертонларга бой, эл севар чолғу асбоби. Халқимиз дутор сози учун яратилган куйларда ўз кечинмаларини ифода этган. Дутор товушининг жилоси, мулойимлиги, хазинлийлиги, осойишталик таратувчи, баъзида ўйноқилик ва мунглилик қалбимизга таскин бериши билан халқимиз юрак-қалбидан кенг жой олган. Ижро этиш имкониятлари жуда кенг, ўнг қўл бармоқлар ҳамда панжалари

зарблари хилма – хиллиги (якка зарб, қўш зарб, билак зарб, бидратма, тескари зарб, пирранг ва ҳ.к.) билан, техник имкониятлари бойлиги билан бошқа созлардан ажралиб туради. Чап қўл ўзининг нолага бойлиги билан, чап қўл бармоқлари билан тирнаб чалиш (пиццикато) услублари билан бошқа чолғулардан ажралиб туради. Дуторда яккахон, жўрнавоз ва ансамбл бўлиб ижро этилади ҳамда ашула ва қўшиқларга жўр бўлиш имкониятлари мавжуд.



**Уйғур дутори** – чертма чолғу бўлиб, уйғур халқида кенг тарқалган. Дутор тут дарахти ёғочидан ясалади. Симлари 2 та (ипак ёки мол ичагидан), юқори сим кичик октава “си”, 1-октава “до”, “ре” товушларига; пастки тори кварта ёки квинта пастга соланади. Уйғур дуторининг тузилиши бўйича ўзбек ва тожик дуторларига яқин, лекин косахонанинг бир оз катталиги ва чолғу дастасининг бир мунча узунлиги билан фарқ қилади.





***Қорақалпоқ дутори*** – Ўрта Осиёда кенг тарқалган чолғулардан бири. Дутор 2 симли чертма чолғу бўлиб, каттагина ноксимон шаклга эга. Узун дастасига 13-15 та пардалар жойлашган. Дутор 2 хил ясалади. 1 – косаси яхлит ўйиб ишланган “Қазба” ёки “Ойма”, “Қурама” (қовурғали). Унинг дастаси нисбатан бироз қисқа ва ингичкароқдир. Дутор дастасига ипак ёки металл симлар тортилади. Дуторлар суякдан ишланган нақшлар билан безатилган. Турли хил услубда чалинган. Квартага созланади. Дутор ҳақида дастлабки маълумотлар XV асрга тегишли. Дутор биринчи навбатда бахшилар чолғусидир. Уларга жўрсоз бўлган. Дутор учун асарлар орасида чолғу туркумлар алоҳида ўринга эга. Туркумли асарлар кенгайтирилган шакл, ифода воситаларнинг турли – туманлиги билан ажралиб туради. Бундай асарлар орасида “Мухаллес”, “Налиш” туркумлари машхур. Уйғур дутори тузилиши жиҳатидан ўзбек дуторларидан, қосахонасининг

кичиклиги ва дастасининг бир оз калталиги билан фарқ қилади. Бахшилик санъатида кенг қўлланилиб қўшиққа жўрнавон сифатида, ҳамда куйлар ижро этилади.



*Тоҷик дутори* – ўзбек дуторидан фарқи бўлмай, халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, мақом, халқ куйлари ижро этилади ва ашула, қўшиқларга жўр бўлади. Умуман репертуари жуда бой чолғу.



*Туркман дутори* – оммабоп чолғу бўлиб, бахшилар орасида кенг ижро қилинадиган, тўй маросимларида, сайилларда ижро қилинади. Туркман дутори Қорақалпоқ дуторига ўхшаш. Шу тариқа ижро этилиши, техник имкониятлари жуда кенг. Агар биз дутор чолғусига ўхшаш дўмбирасимон **1111**хордофонларга назар ташласак, МДХ халқлари орасида яна бир қанча шундай тоифа чолғуларни кўришимиз мумкин. Ўрта Осиё ҳудудида кенг тарқалган чолғулардан бири. Жумладан Туркменистонда ҳам мазкур чолғу севиб ижро қилинади. Дутор чолғуси ҳақида маълумотлар турли афсоналарда, Ўрта асрлар олимларининг рисолаларида, мумтоз шеърят наъмуналарида мавжуд.

Биринчи навбатда дутор туркман бахшиларининг чолғуси ҳисобланади. Бахшилар ижроси давомида дутор жўрсоз вазифасини ўтайди. Дутор чолғуси ҳам якка тарзда, ҳам ансамбл таркибида қўлланилади. Дутор чолғуси

репертуарига дутор чолғуси учун яратилган алоҳида асарлари билан бир каторда бахши кўшиқларининг чолғу вариантлари ҳам киритилади.



Хусусан, Грузия Республикасида бу турдаги соз бўлмиш пандури ва чангури чолғуларини кузатамиз:

**Пандури** – жўрнавоз чолғу ҳисобланиб, унинг жўрлигида якка ва хор бўлиб ижро этилади. Бу чолғу халқ орасида кенг тарқалган. Турли – туман маросимларда ижро этилади. Ҳозирги кунда пандуричилар ансамллари мавжуд.

**Чангури** – Грузияда жуда оммабоп ва севимли чолғу асбоби. Ҳар бир шаҳар ва қишлоқларда чангуричилар ансамллари мавжуд. Чангури асосан аёллар чолғуси деб ҳисобланади, ҳозирги даврда эркаклар ҳам ижро этадилар.

Абхазияда Грузиянинг чангури (ачангур) ва пандури чолғулари кенг тарқалган.



Доғистоннинг тамур чолғу асбобида асосан қўшиқлар ижро этишади. Тоғлиқ Доғистонда кенг тарқалган яна бир чолғу асбобларидан омоч қумуз бўлиб, тамурнинг бироз ўзгартирилган туридир.

Шимолий Осетия – дала – фандир чолғу асбобида дostonлар, рақслар қўшиқлар, хазил қўшиқлар ва болалар қўшиқлари ижро этилади.

*Дўмбира* – (танбура сўзидан) – торли чертма халқ мусиқа чолғуси. Ўзбек ва қозоқ дўмбра турлари мавжуд: 1) ўзбек дўмбрасининг дастаси силлик, пардалари белгиланмаган бўлади. Чолғунинг асосий қисми (косахона ва даста) ўрик, тоғолча ёки арча дарахтидан яхлит тарзда, косахонаси ўйиб ишланади. Пай торлари кварта, квинта, баъзида октава оралиғида соланади. Диапазони тахминан 2 октава бўлади. Асосан Сурхондарё, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари, шунингдек, бошқа вилоятларнинг айрим туманларида тарқалган. Мазкур чолғудан бахшилар халқ дostonлари,

термаларни куйлашда жўровоз сифатида, дўмбиракашлар эса “Чўпонча”, “Дўмбира куй”, “Бахши куй”, “Келиной”, “Қўнғироти” каби дўмбира куйларини ижро қилишда фойдаланадилар. Ташқи кўриниши, тузилиши ва тембри дўмбирага ўхшаш бўлган чолғу созлари олтойларда (тошпур), тожикларда, афғонларда (Дўмбирок) мавжуд. 2) Қозоқ дўмбирасининг 2 асосий тури мавжуд. Ғарбий Қозоғистон дўмбираси ноксимон, косахонаси ўйилган, узун ва тор дастасида 13-14 парда боғланади. Унда асосан кўрманғози Даулеткерей. Байсерке, Таттимбет, Қазанғап каби қозоқ куй-кўшиқлари басталанган чолғу куйлари ижро этилади. Шарқий Қозоғистон дўмбираси учбурчак ёки куракча шаклида бўлиб, унинг нисбатан кенг ва калта дастасига 7-9 парда боғланади. Кўпроқ оқинлар томонидан жўровоз соз сифатида фойдаланилади. Қозоқ дўмбираси ижро усуллариининг хилма-хиллиги, ифодавий имкониятларининг кенглиги туфайли қозоқларнинг энг сеvimли халқ ҳамда профессионал (18 асрдан) мусиқа чолғусига айланган. 1930 йиллардан ўзбек ва қозоқ дўмбирасининг қайта ишланган турлари (прима, альт, тенор, бас, контрабас) халқ чолғулари оркестрлари таркибига киритилди.



**Балалайка** – уч торли, ҳамма торлари баравар чертиб чалинадиган рус халқ мусиқа асбоби. 18 аср бошида пайдо бўлиб, рус халқи орасида кенг ёйилган. Балалайкадан якканавозлик ва ансамблларда, кўшиқ ҳамда рақсларга жўрनावозликда фойдаланилади. 19 аср охирида рус мусиқачиси, мохир балалайкачи В. В. Андреев ҳамкорилигида соз усталари Ф. Пасербский ва Н. Налимовлар халқ балалайкасини қайта ишлаб, катта-кичик турларини яратган. (Балалайка прима, балалайка секунда, балалайка альт ва хоказо). Мазкур созлар гуруҳи асосида рус халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил этилган.

Славян халқлари орасида **рус балалайкаси** кенг тарқалган. Балалайка чолғуси фақат Россиянинг ўзида тарқалмай, балки Украина ва Белорусия Республикаларида ҳам халқ чолғуси сифатида тарқалган. Балалайка чолғуси В. В. Андреев томонидан яратилган бўлиб, бир неча турлари мавжуд. Чолғу техник имкониятлари жуда кенг. Славян халқлари куйлари билан бир қаторда балалайка учун мослаштирилган жаҳон классик куйлари ҳам ижро қилинади.



Дўмбрасимон хордофонлар Россия Федерацияси таркибида бўлган бир катор халқларда ҳам ана шундай чолғу созлар мавжуд. Ҳусусан:

Чуваш халқ чолғу асбоби – *турма* (Тампа - палалайка). Бу ном билан 3 торлик рус балалайкаси чувашларда кенг тарқалган.

Бошқирт халқи *бўмбра* чолғуси – худди ғарбий козок дўмбрасига ўхшаш. Кам тарқалган.

Коми халқ чолғу асбоби – *сигудек*. 2 хил тирнама ва камонли чолғу тури мавжуд. Сигудек тирнама чолғу асбоби бўлиб, косаси рус балалайкасига ўхшаш.

*Қолмиқ дўмбраси* – куй ва асарлар, ашула ва қўшиқларга жўр бўлиш имкониятларига эга. Такомиллаштирилган рус дўмбрасига ўхшаган.

*Бурят* – чанза чолғу асбоби Хитойнинг (сань - сянь) чолғусига ўхшаш уч торлик тирнама соз. Косаси думалоқ шаклда, дастаси пардасиз, торлари ипакдан ёки металлдан бўлиб, бу чолғу созида маҳоратли уста ижрочилари ўз ижроларини намоён этадилар. Бу чолғунинг бир неча хиллари бўлиб, ансамблда катта ва кичик чанзаларда ижро этишади. Ансамблда ижро этиладиган чанзаларнинг пардалари мавжуд.

*Якут* – 2 ёки 3 торлик чолғу асбоби – балалайка, рус балалайкаси каби косахонаси учбурчак шаклда. Айрим ҳолларда ўйиб ишланади. Бундай турдаги чолғу кам учрайди.

## *Дуторлар оиласи*

### *Дутор альт*

Дутор альт чолғуси ўрта регистрга эга бўлган яна бир чолғу бўлиб, анъанавий дутор асосида ясалган. Ипак торлари ўрнига капрон тор тортилган. Дутор альт хроматик товушқаторга эга. Торлар кварта бўйича кичик октавадаги “ми” ва “ля” га созланади. Бу чолғу оркестрларда якканавозлик ва жўрнавозлик вазифаларини бажаради. Дутор алт – 800 мм. мензурага эга.





### *Дутор прима.*

Дутор прима дуторнинг кичрайтирилган тури. Бунинг қопқоғи тут ўрнига арча дарахтидан килинади. Ипак торлари ўрнига капрон тор тортилган. Пардалар дастасини ўйиб хроматик ҳолда доимий ўрнаштирилган. Торлар кварта бўйича биринчи октавадаги “ми” ва “ля” га созланади. Ноталар скрипка калитида, эшитилишига нисбатан октава юқорида ёзилади. Хажми кичик октавадаги “ми-ля”дан биринчи октавадаги “соль” ва иккинчи октавадаги “до” га қадар. Дуторлар оиласига мансуб бу чолғу асбоби энг баланд товушга эга бўлиб, скрипка калитида ёзилади. Икки капрон ипак торидан иборат ушбу чолғу асбоби кварта оралиғида созланади. Аппликатура жихатидан рубоб прима, ғижжак асбобига ўхшаб ижро этилади. Масалан: пиццикато, бидратма, стакатто ва ҳоказолар.

Дутор приманинг созланиши биринчи тор (пастки тор) “ми” ва иккинчи тор (юқориги тор) “ля” товушларидир. Дутор приманинг умумий

овоз хажми биринчи октавадаги “ми” товушидан учинчи октава “ля” товушига қадар. Дутор прима оркестрда соло чалиш ва жўрнавозлик вазифасини бажаради. Дутор прима 460 мм.мензурага эга.



### **Дутор секунда**

Янги ишланган дуторлар оиласига кирувчи ушбу дутор-секунда чолғуси, овоз жихатидан ўртача регистрда. Унинг ҳам торлари икки ипак тордан иборат бўлиб, кварта оралиғида созланади. Ташқи кўриниши дутор примадан бир оз катгароққилиб ишланган, яъни дуторларнинг косаси бир хил бўлиб, дастасининг узунлиги ҳар хил бўлади. Дутор-бас ва дутор-контрабас чолғу асбобларининг косаси катта бўлади. Дутор секунда чолғусининг биринчи тори кичик октава “ля” товушига, иккинчи тори кичик октава “ре” товушига созланади. Умумий овоз хажми кичик октавадаги “ля”товушидан иккинчи октавадаги “ре” товушигача.Дутор секунда – 720 мм. мензурага эга.



### *Дутор тенор*

Дутор тенор тут дарахтидан ясалади. Иккита асосий қисмга бўлинади: коса ва даста. Косаси 10-12 та нозик ва юпқа қовурғачаларнинг бир-бирига косасимон қилиб бирлаштириш орқали ҳосил қилинади. Косасининг устки қисми (қопқоқ) эса махсус тут дарахтидан ясалади. Торлари бир муайян нуқтада туриши учун тор илгичка илинтириб қўйилади. Илгич қопқоқнинг бош қисми ҳамда қовурғалар тугалланиш қисмида жойлашган бўлади. Даста, харрак, кулоқлар ўрик дарахтидан ясалади. Дастада 14-15 та пардалар мавжуд. Торлар ипакдан эшилиб тайёрланади. Ипларни меъёрида тортиш ва бўшатиш учун иккита махсус кулоқлар ишлатилади. Анъанавий дуторда товушлар диатоник тартибда жойлашади. Бу чолғуни яшашда азал-азалдан металл жисм ишлатилмаган ва ҳозирда ҳам ишлатилмайди. Шу боис бўлса керак, дутор табиатан енгил, ихчам ҳамда нозик бўлади. Юқоридаги харрак

(шайтон харрак) биринчи парда ёнида, дуторнинг бош қисми билан даста туташган ерида жойлашади. Пардалар даста бўйлаб ипак , ичакдан боғланади. Пастки харрак, дуторнинг очик торлари ҳамда парда товушларининг соф созланишига қараб қопқоқнинг устига ўрнатилади. Дутор – тенор – 900 мм. мензурага эга.



### **Дутор-бас**

Дутор-бас асбоби ўзбек халқ чолғу ансамбли таркибида бас товушини мустахкамлаш учун хизмат килади. Ушбу асбобни созанда ўтирган ҳолда ижро этади. Дутор бас-дуторнинг катта қилиб ишланган тури. Дутор баснинг тўртта тори бўлиб, булар квинта бўйича соланади. Тўртинчи тор катта октавадаги “до”, учинчи тор катта октавадаги “соль”, иккинчи тор кичик октавадаги “ре” ва биринчи тор кичик октавадаги “ля” товушларига

созланади. “Ля” тори ичакдан килинган бўлиб, колганлари металдандир. Ноталар эшитилиши бўйича, бас калитида ёзилади. Овоз ҳажми катта октавадаги “до” дан биринчи октавадаги “соль”га қадар. Дутор – бас – 650 мм. мензурага эга.



### **Дутор-контрабас**

Дутор контрабаснинг қосаси катта-катта "Қобирғалар" дан иборат бўлиб, дутор басдан анча каттароққилиб ишланган. Дастаси дутор бас асбобидан узунроқ бўлади, қулоқлари темир металдан ишланган, қаттиқ, тортиб туриш вазифасини бажаради. Дутор контрабаснинг торлари жуда қалин бўлиб, оркестрда ўзининг йўғон бас товуши билан, пастки регистр тембрини мустаҳкамлайди. Дутор контрабаснинг қосасига махсус тайёрланган таёқча ўрнатилиб, ўтирган ҳолда ижро этилади.



### *Дуторнинг тўзилиши*

Дутор коса, даста, ва бош қисмлардан иборат.


Дутор косаси ўн, ўн икки “қовурғали” бўлиб, шакли нокка ўхшайди. Косанинг оғзи унга елимлаб қўйилган қопқоқ билан ёпилган. Қопқоқнинг ўртасида кичкина доира шаклида тешикча бўлиб, у товушхонаси деб аталади.

Қопқоқнинг устига, дастага яқин жойга қалқон ўрнатилган. Дуторни чалганда бу қалқон унинг қопқоғини тирналишдан сақлайди. Косанинг пастки қисмида дутор торларини ушлаб турувчи торгир (тор илгак) бор. Қопқоқ устига торлар учун икки ери ўйилган харрак ўрнатилади. Харракни ўрнатганда унинг ўрни харрак билан ўн иккинчи парда оралиғидаги масофа

унинг ўн иккинчи парда билан юқориги харракча бўлган масофага тенг бўлиши керак.

Дутор дастаси косасининг юқори қисми билан туташган. Даста билан унинг бош қисми бир бутун ёғочдан ясалади. Даста пардаларга бўлинган. Пардалар хайвон шохидан ёки бўлмаса қаттиқ, маҳкам ёғочдан тайёрланади. Дастанинг усти, унинг ён томонлари чап қўлнинг эркин ҳаракат қилишга ҳалақит бермаслиги учун яхшилаб силлиқланиб, пардозланади. Даста 20-24 гача парда жойлашади.

Дутор дастасининг юқори қисми дутор кулоқларини ўрнатишга ва торларни созлашга хизмат қилади. Дуторнинг юқори қисми билан дастасининг туташган ерига торларни ўрнатиш учун икки еридан ўйиб қўйилган юқориги харракча ўрнатилган. Торлар кулоқларга ўрнатилиб буралади. Агар тор таранг қилиб тортилса, товуш баландлашади ва аксинча, тор бўшатиlsa, товуш пасаяди.



### **Дуторнинг ясалиши**

Қадим ўтмишда созандаларимизга хизмат қилиб келаётган дутор дастасига ичак ёки ипакдан эшилган пардалар боғланган диатоник товушқаторда (мумтоз куйлар ва маком йўллари ижро этиларди) боғланган ва бу дуторларни халқ дуторлари дейилган.

Дутор ясалиши жиҳатдан икки қисмдан иборат (даста ва коса) бўлиб, буларни бирлаштирувчи қисмини «Бўғиз» деб аталади. Дуторнинг косаси ўйма ва қовурғачаларнинг бирлашганидан ясалиши мумкин. «Ўйма дутор» Самарканд, Хоразм, Тожикистон ва Туркменистонда қўлланилиб, бир бўлак тут ёғочидан ўйиб ишланади. Қобирғали дутор ҳам тут ёғочидан ишланиб, 8-10 бўлак юпқа тахтачани эгиб бирлаштирилади. Коса устига ёпиштириладиган қопқоқ ҳам тут ёғочидан тайёрланади. Одатда дутор ясаладиган тут ёғочи сояда қуритилади. Дуторнинг умумий узунлиги 1200-1300 мм, айрим жойларда эса 750-800 мм. ни ташкил этади.

Демак, дутор сози, асосан, тут, ўрик, ёнғоқ дарахтлари бўлакчаларидан ясалади. Коса, даста, харак, пардалар, иккита ўрнатилган қулоқлардан иборат бўлиб, бир жуфт торлар тортилиб, ўнг қўл билагига билан торларни чертиб, товушлар ҳосил қилинади. Дуторнинг ижро услуби, айниқса, ўнг қўл билан чертиш йўллари ва зарблари, яъни ўнг қўлда ижрочилик техник хусусиятлари ривожлантирилганлиги, ўзига хос мураккаблиги билан кўзга ташланади.

Маълумки, дуторчининг моҳирлик даражасини кўрсатувчи асосий омиллардан бири, мана шу ўнг ва чап қўл техникаси билан белгиланади. Ижрочининг қўли дутор қопқоғига беихтиёр тегмаслигига алоҳида аҳамият берилади. Шунинг билан бирга чап қўл бармоқлари воситасида вужудга келадиган асосий куйга ўнг қўл жўр бўлади. Иккинчи тор товушининг керакли мувозанатда олиб борилишига ҳам алоҳида эътибор берилади. Дуторнинг яна бир хусусияти – икки овозликдир: у ўзининг икки овозлик хусусияти билан бошқа мизробли чолғулардан ажралиб туради.

Дутор ижрочилигининг ривожланиш жараёнида иккита йўналиш вужудга келган - анъанавий (халқ ва анъанавий мумтоз мусиқасига мансуб) ва замонавий (композиторлик ижоди билан боғлиқ ижрочилиқдир). Ҳар бир



йўналиш ўзига хос ижро услублари, имконияти ва репертуаридан иборат. Дутор ўзининг ёқимли, жозибали, майин овози билан бошқа торли чолғулардан фарқилади.

Ўзбекистонда ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Ашот Иванович Петросянц томонидан 1936 йилларда ўзбек халқ чолғу асбоблари қайтадан ишланиб, такомиллаштирилган. Шу жумладан, дутор ва дуторнинг оиласи вужудга келди. Булар дутор прима, дутор секунда, дутор альт, дутор бас, дутор контрабас созлари халқ чолғулари ижрочилик амалиётида кенг қўлланилиб келинмоқда. Ўзбекистонда дутор созини ясовчи таниқли марҳум усталардан Уста Усмон Зуфаров, Сирожиддин Муҳиддинов, Абдунаби Абдуғофуровларни айтиб ўтишимиз зарур.



### **Дутор чолғусини сақлаш**

Ҳар бир музыка асбоби ҳам парваришни талаб қилади. Асбобни зах жойга қўйиш, очик дераза олдига илиш ярамайди, чунки нам ҳаво таъсирида

дутор қисмларининг елими кўчади, нам тортиб қолиб, товуш жаранги ёмонлашади, торлари ҳам намланиб тез ишдан чиқади.

Дуторни қуёшда ёки узок муддат қуруқ жойда ҳам асраб бўлмайди, чунки қуриб, бутунлай ишга ярамай қолиши мумкин.

Дутор чалишда созанда қўллари қуруқ ва тоза бўлиши лозим, акс ҳолда дастада, пардалар ёнида, торларда кир йиғилиб қолади. Натижада торлар яхши соз бўлмайди ва товушни йўқотади.

Дуторни чангдан ва захдан асраш учун уни пишиқ газмолдан ёки брезентдан тикилган ғилофда сақлаш лозим.

### **Дутор чалишдаги ўтириш ҳолати**

1. Дутор ўтириб чалинадиган мусиқа чолғусидир. Уни чалишда ўтириш қонун қоидалари бор. Дуторни косахона қисми ўнг қўл тарафда туради. Учта таянч нуқтага таянган ҳолда чалинади.
2. Стулни учдан икки қисмига ўтириб;
3. 1 – таянч нуқтаси ўнг қўлни 10-15 см. тирсакка етмасдан
4. 2 – ўнг биқинга тиралади.
5. 3 – эса ўнг оёқнинг тиззадан юқори қисмида ушлаб ўтириб чалинади.
6. Чап қўлнинг вазифаси дастани ушлаш, бармоқлар билан пардаларни босиб чалишга ёрдам бериш.
7. Дутор чалишда ўнг ва чап қўллар бўш ҳолатда бўлиши ва қулай ушлаши лозим. Дутор фақатгина таянч нуқталарга ушлаб турилади, ижро вақтида табиий ҳаракатлар билан чалиш, қўлларга оғирлик тушмаслиги тўғри ҳисобланади. Чап қўл бармоқларининг учи билан парда бўлинган жойга жуда яқин ва маҳкам босиб, товушни тиник чиқариш лозим.



### *Дутор чалишининг умумий қоидалари*

Дутор ўтириб чалинади. Ўтирганда стулнинг бир чеккасига ўтириб, гавдани эркин ва тўғри тутиш керак. Ўнг оёқни чап оёқ устига қўйиш лозим. Чап қўл тирсаги букилган бўлиб, танага ёпишмасдан туриши керак; дутор дастасининг юқори қисми чап қўл билан ушлаб турилиши лозим. Дутор дастаси кўрсаткич бармоқнинг учинчи бўғинидан бир оз пастда ва бош бармоқ асосида туриши керак. Чап қўлнинг бош бармоғидан бошқа ҳамма бармоқлари доира шаклида бўлиб, улар дастага, бўғин яқинига қўйилади. Дутор жаранги ва торни қандай куч билан босишга боғлиқдир. Чап қўл бармоқларининг тартиб рақамлари:

- 1 – кўрсаткич бармоқ
- 2 – ўрта бармоқ
- 3 – ён бармоқ
- 4 – жимжилоқ

Бош бармоқ “б” ҳарфи билан белгиланади. Дутор чалишда бу бармоқ фақат иккинчи торни босишда ишлатилади.

Ўнг қўл билагининг ўртаси дутор косасининг чеккасига қўйилади. Қўл панжасини торлар устида букилган ҳолда эркин ушлаб, торларга қалқон устида зарб ташлаш керак. Бармоқлар бир жойга йиғилиб, кафт ичига ярим букилган ҳолда эркин туриши керак.



### **Дутор чолғусида товуш чиқариш**


Дуторда овоз асосан ўнг қўл билан торларни пастга ва юқорига қараб уриш билан ҳосил қилинади. Бармоқлар эркин ва бир маромда ҳаракатланиши керак. Пастга кўрсаткич бармоқ билан ва юқорига бош бармоқ билан зарб берилади, бу икки бармоқ бир – бири билан бир оз ёпишган бўлиб, юқорига қараб урганда бош бармоқ кўрсаткич бармоқдан бир оз чап томонга қочади. Бундай чалиш усули якка зарб деб аталади ва кўйидаги белгилар билан ифодаланади.

К – панжа ва ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғи билан пастга қараб чалиш.

Б – панжа ва ўнг қўлнинг бош бармоғи билан юқорига қараб чалиш.

Ноталарнинг дуторда жойлашувини ўрганиб олиб, турли чўзимга эга бўлган ноталар, такт ўлчовлари ва саноқ билан танишиб чиққач, биринчи машқни бажаришга ўтиш мумкин. Биринчи машқ икки нотадан – юқорига “ЛЯ” ва пастга “МИ” дан иборат. “ЛЯ” нотаси дуторда биринчи очик торда, “МИ” нотаси иккинчи очик торда олинади. Ноталарнинг бир – бири устига ёзилганлиги бу икки нотани бир вақтда олиш кераклигини кўрсатади. Уларнинг чўзими нимчорак билан ёзилганлиги учун қуйидагича санаш лозим: “бир” деганда бир нимчорак К – зарбида пастга, “и” деганда иккинчи нимчорак Б – зарбида юқорига уриш керак.

### 1–машқ




Бундан кейин, агар машқ ёки пьеса олдида созлаш кўрсатилмаган бўлса, уларни бош пардада чалиш керак. Биринчи машқ сингари, иккинчи машқни ҳам икки пардада чалиш лозим. Пастки “МИ” нота – иккинчи очик тор – ўзгаришсиз қолади. Биринчи торнинг “СИ” ва “ДО” товушлари, “СИ” товуши биринчи торнинг иккинчи пардасида, “ДО” товуши эса учинчи пардада олинади. “СИ” нотасини биринчи бармоқ билан “ДО” нотасини иккинчи бармоқ билан олинади.

Чалиш усули ва саноқ биринчи машқдагича қолади.


### 2 – машқ






Учинчи машқ ҳам, иккинчи машқдаги сингари, товушлардан ташкил топади. Уни ижро этишда биринчи ва иккинчи машқларга берилган кўрсатмаларга риоя қилиш лозим.

3 – машқ




Тўртинчи машқда иккинчи тордаги “СОЛЬ” товушини учинчи пардада бош бармоқ-“б” билан олиш керак. Илгариги машиқларга доир кўрсатмаларга амал қилиш зарур.

4 – машқ




Бешинчи машқда сизга таниш бўлган товушлардан ташқари, янги товушлар – “ЛЯ”торининг бешинчи пардасида “РЕ” товуши ва “МИ” торининг бешинчи пардасида “ЛЯ” товуши учрайди.

5-машқ




6-машқда чорак ва ярим чўзимга эга бўлган ноталар учрайди, уларни ”к” – зарби билан пастга чертиб чорак нотани “бир” - “и” деб, ярим нотани эса “бир”-“и”, “икки”- “и” деб санаш керак.

6-машқ



7-машқни илгариги машиқларга доир кўрсатмаларга риоя қилиб чалинг. Бундан ташқари, бу машқда “МИ” ва “ФА” товушлари учрайди. Бу товушлар “ЛЯ” торининг 7 ва 8 – пардаларида жойлашган. Иккинчи “МИ” торда ҳам илгари биз ишлатмаган товушлар пайдо бўлди, булар еттинчи пардадаги “СИ” ва саккизинчи пардадаги “ДО” товушларидир.

Бундан кейин дуторни чалаётганда торларни албатта нота тепасида белгилаб қўйилган бармоқлар билан босиш керак.



## **2 БОБ. Дуторчолғуси усуллари (штрихлари)**

Одатда, дутор ижрочилигида ўнг қўл ҳаракатлари учун қабул қилинган ифодавий кўрсаткичлар мавжуд. Дутор чолғуси учун ёзилган барча асарлар ҳамда гаммаларни чалишда белгиланган усулларга ва қонун қоидаларга амал қилган ҳолда (штрихларда) ижро этиш талаб этилади.

### **Дутор чолғусида усулларнинг (штрихларнинг) зарб**

#### **йўналишлари белгилари:**

П – юқоридан пастга зарб уриш;

V - пастдан юқорига зарб уриш;

### **Дутор чолғусида усулларнинг (штрихларнинг) ҳарфий**

#### **белгилари:**

К - кўрсаткич бармоқ билан зарб уриш;

БЗ - билак зарб – билак билан зарб уриш;

Б - бош бармоқ билан зарб уриш;

Pizz - пиццикато (бармоқ чертмак);

Tr - тремоло (рез) кўрсаткич бармоқ билан узлуксиз чертиш.

Ж- жимжилоқ билан зарб уриш



*Асарни мураккаб зарблар орқали чалиниши қуйидагича:*

V V П П V V

П Б К. К Б Б К.

*Услубий қисм орқали тескари зарблар кўрсатилиши:*

П–пастга, Б–бошбармоқ юқорига, К–кўрсаткич бармоқ юқорига

Б К                      Б К  
П V V,                      П V V.

*Услубий қисм орқали терма зарблар белгиланиши:*

К – кўрсаткич пастга; Б – бош бармоқ пастга; Б – Бош бармоқ юқорига; К – кўрсаткич бармоқ юқорига.

К Б Б КК Б Б К  
П П V V П П V V.

*Услубий қисмнинг бу кўриниши пирранг, яъни рез усулда чалинади.*

П -пастга, V - юқорига, v - юқорига.

Дутор чалиш усуллари белгилаш масаласи бир қанча мутахассисларда қизиқиш уйғотган. Биз уларнинг чоп этган дарслик кўлланма ва услубий ишланмалари билан танишганимизда бу масаланинг ёритилишида ҳар йиллик мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Хусусан, А.И.Петросянцнинг «Созшунослик» (Инструментоведение) дарслигидаги дутор қисмида дутор зарблари йўналиши ва ҳарфий белгилари шундай ифодаланади:

Масалан:  $\frac{У \ \underline{б} \ \underline{б} \ У}{V \ V \ \underline{\Lambda} \ \underline{\Lambda}}$

М.Асилов, Ф.Н.Васильевларнинг «Дутор дарслиги»да зарб йўналишлари ва ҳарфий белгилар қуйидагича ифодаланган:

Масалан:  $\frac{к \ \underline{б} \ У \ \underline{б} \ У \ У}{П \ V \ П \ V \ П \ V}$

Бунда **б**– большой (бош), **у**– указательный (кўрсаткич), **к** – кисть, каби русча сўзлардан фойдаланганлигини биз дарсликнинг икки тилда - ўзбек ва рус тилларида чоп этилганидан, деб биламиз.

А.Ильёсовнинг «Дутор ўрганиш» китобида дутор зарблари қуйидагича белгиланган:

Масалан: П к.б. б.бк.

Ғ. Қўчқоров, А.Ҳамидов, Ғ.Муҳаммедова, Б.Раҳимжонов, Ш.Раҳимов, И.Тошпўлатова каби муаллифлар ҳам бу масала ҳақида ўз фикрларини билдирганлар.

Хулоса қилиб айтганда, дуторчи мутахассисларнинг дутор мусикасини тўлароқ нотага тушириб, ёзиб олишда маълум ютуқларга эришганлигига қарамай, дутор зарбларининг йўналишини ҳарфий белгилар воситасида кўрсатиш бугунги кунгача бир ягона қолипда эмаслиги маълум.

Дутор зарбларининг энг биринчиларидан якка зарб, биллак зарб, тескари зарб, терма зарб, уфори зарб ҳамда чертма зарблардир.

## **Якка зарб**

Бунга П – П пастга панжа



Яъни 4, 3, 2, 1 бармоқлар билан дутор торларига уриб чалиб садолатилади.

V – бу белги эса юқорига бош бармоқ билан чалишни билдиради.

## Терма зарб

Терма зарб ППVV белгилари билан белгиланиб, уни қуйидагича чалиш тўғри ҳисобланади. Бош бармоқ билан кўрсаткич бармоқларнинг ораси 12-14 см очик ушлаб туриб қўлни аввал кўрсаткич бармоқ билан, кейин бош бармоқ билан пастга ва яна аввал бош бармоқ билан, кейин кўрсаткич бармоқ билан юқорига торларни чалиб товуш чиқарилади. Товуш кучи тенг ва текис бўлиши шарт.



## Пирранг

Терма зарбни тезлатиб, рез вазнига келганда пастга – баландга тўртта нотани узиб олиб, чалиш пирранг дейилади.



## Тескари зарб

Тескари зарб деганда кучли ва кучсиз ҳиссаларни ўзига хос тартиб билан алмашиниб келишини тушунтириш лозим.



Юқорида кўрсатилган тескари зарбнинг бу хил чалинишида 1 чи, 4 чи, 7 чи товушлар – панжа билан чалинадиган зарби кучли бўлади.

### **Уфори зарб**

Уфори зарб доира усулининг номидан олинган бўлиб, унинг кўп хиллари бизга маълум.

Масалан: Хоразм ижрочилигида тенг 6 та зарб – биринчи зарб акцент билан чалинади.

Тошкент – Фарғона ижрочилигида эса, 6 та тенг зарбнинг биринчи хиссаси нуқта билан ижро этилади.

Куйидаги кўринишларда ижро этиш, фақат дутор ижрочилигига хосдир.




Бунда, пирранг деб ёзиб қўйилган ноталар устида рг харфлари (белгиси) билан белгиланади.

### **Пицкато чалиш услуби**

Дутор ижросига балалайка ва гитара чолғуларидан кириб келган пицкато услуби 2 хилдир.

Битталиқ пицкато бош бармоқ билан фақат пастга чалишдир, битта торидан товуш чиқарилади.



Иккиталик пиццикато пастга бош бармоқ ва юқорига кўрсаткич бармоқ билан битта торидан товуш чиқарилади ва қисқартириб pizz. сўзи билан белгиланади.

## **Усулларнинг асарларда қўлланилиши**

### **“Кўнгил гулдастаси”.**

Созанда: М.Эргашев мусиқаси

Созанда Мирсодиқ Эргашев қаламига мансуб бўлган ушбу “Кўнгил гулдастаси” куйи ўта жозибали, рақс оҳанги билан суғорилган бўлиб, ўз ижро услубига эга (ўлчови 2/4). Оддий ўлчовли бу асарнинг иккинчи қисми уфор услубига мансуб (ўлчови 6/8) бўлган мураккаброқ асар.

“Кўнгил гулдастаси” куйи дутор ва фортепиано учун басталанган асаридир. Бу асар оддий шаклда ёзилган бўлиб, қувноқ, жозибали тарзда ижро этилади. Ушбу асар ёшлар орасида оммалашиб, кенг кўламда ижро қилиниб келинмоқда.

#### *I. Қисм.*

1) Ушбу асарнинг 1 кўриниши оддий зарблар билан ижро этилади



2) Асарнинг 2 кўриниши мураккаб зарб, яъни тескари усулда ижро қилинади.



II. Қисм.

1) Асарнинг 2 қисмини 1 кўриниши оддий зарблар билан кўрсатилган.



1) Асарнинг 2 кўриниши мураккаб, яъни пирранг усулда қилинади.



## “Дутор наволари”

Ф. Назаровмузиқаси


Ушбу асар Фаттоҳ Назаровнинг ижодий маҳсули бўлиб, дутор ижро услубига хос. Халқ куйига яқин бўлган асар йирик шаклдаги уч қисмли туркумий: 1-рақссимон, ҳаётий характерда, мураккаб(ўлчовли 6/8); иккинчи куйчанг, (ўлчови 4/4) каденцияли, учинчиқисми қайтариш - бу хос талқин қилиниши ва оҳанг изланишлари билан диққатга сазовордир. Ўлчови мураккаб тезликда ля минортонлигида басталанган. Дутор альт созида ижро

этилишга тавсияқилинган, шўх мусиқий асар “ракс ва кўшиқ” шаклида яратилган.


Дуторижрочиларининг севимли мусиқий асари сифатида кенгқўлланиб келинаётган наволардан биридир. Иккинчиқисми майинижро асари булиб, учинчи қисми жозибали ва уфори услубига мос тарзда ижро этилади.

1) Асарнинг бу кўриниши оддий усуллар билан берилган:

*Allegro*




2) “Дутор наволари” асарининг бу қисми мураккаб зарблар билан кўрсатилган



3) Асарининг бу кўринишида фақат пирранг усулида чалинади.

Саккизталиқ ноталар пастга чалинади, чоракталиқ ноталарга нуқтаси билан берилган товушлар фақат tremolo қилиб чалинади.

*Cantabile*



4) Ушбу Cadenza қисми tremola пастга, пастга юкоригапиццикато битталиқ ва 16-лиқ ноталарга иккиталиқ пиццикатолар билан чалинади.

Cadenza



## “Дутор нақши”. Фантазия.

М.Бафоев мусиқаси.

1. “Дутор нақши” фантазияси Мустафо Бафоев асари бўлиб, фантазияжанрида ижод этилган. Асар ўзининг бадихагўйлиги, турли зарблар ва ўлчовлар кесимида ижро этилиши лозим.

“Дутор нақши” фантазияси (ўлчови 6/8) дутор ва фортепиано жўрнавозлигида ижро этилиб, ижрочидан катта маҳорат талаб қилади. М. Бафоевнинг барча асарлари ўзига хос, бу асар мураккабфалсафий мазмунга эга бўлиб, асар негизини чуқур ислоҳ қилган ҳолда ижро этиш лозим. Дутордаги ижро бир пайтда фортепианобилан уйғун ҳолда айтишув кузатилади.

Ушбу “Дутор нақши” фантазияси кириш I-II-III қисм ва cadensалардан иборат бўлиб, ҳар бир қисмдан қисмга ўтишда, куйтезлиги ошиб боради. Шу сабабдан ҳам ижро маҳоратли, безаклар, зарблар хилма-хил ижро этилади. Зарблар ҳам оддийдан мураккаблашиб боради. Каденцияда эса ижрочидан катта маҳорат талаб қилинади.

Асарнинг мураккабқисмидаги каденция ижрочи томонидан катта маҳоратни талаб қилиб, бир пайтда ўзида асарнинг негизидан ётган фалсафий ғояни очиб беришини ҳам талаб қилади.

Ушбу асарни дунё миқёсида бевосита ижро этилиши миллий мусиқа мизнинг қанчалик бой, серкирра, серуслуг эканлигидандалолат беради. Бугунги ёш созандаларга бу



асарниўзлаштиришда бор маҳоратини ишга солиб, меҳнатқилишга тўғри келади.

“Дутор нақши фантазияси” нинг чалиш услуби қуйидагичадир:

Асарнинг Allegretto қисми оддий усул билан чалинади.



Асарнинг 2 – кўриниши мураккаб зарбларда пастга, юкорига, бош бармоқ, кўрсаткич бармоқ билан чалинади.



Асарнинг Andante қисми мураккаб зарб билан чалинади, бутун ноталар тремоло (пирранг рез)усулда берилган.



Асарнинг tempo I, яъни асосий қисмига қайтилади, бунда оддийусуллар билан чалинади.



### Ойдин Абдуллаева - “Дутор ифори”

Ўзбекистон бастакорлар уюшмаси аъзолари сафига ёрқин истеъдод соҳиби, композитор Ойдин Абдуллаева 2000 йилда қабул қилинди. У

консерваторияда ўқиб юрган пайтларидан бошлаб ўзига хос “Овози” ва жамоатчилик фаолияти билан замонавий ўзбек профессионал мусиқа санъатига кириб келди. Ёш ижодкор мусиқанинг турли жанр ва шаклларида-синфоник оркестр, торли камер оркестрлари, чолғу ансамбли ва якка чолғулар, хор жамоалари, хонандалар учун яратган ранг – баранг, оҳангдор мусиқа асарлари билан муҳлисларни жалб этиб келмоқда. Ойдин Отамуродовна Абдуллаева 1976 йилининг 6 мартда Тошкентда зиёли оилада туғилган. Ойдиннинг болалигидан мусиқага қизиқиши ва қобилиятини сезган ота-онаси, Р. Глиэр номидаги Республика махсус мусиқа мактаб-интернатига ўқишга беришди. Бу ерда виолончель синфида ва бастакорлик мутахассислигидан ҳам сабоқ олди. Мактабни 1994 йили муваффақиятли битириб, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси (ҳозирги Ўзбекистон давлат консерваторияси)нинг композиторлик факультетига ўқишга киради. Унга таниқли композитор А. Мансуров устозлик қилади.

1999 йилда О. Абдуллаева композиторлик ихтисослиги бўйича ўқишни аъло баҳоларга тамомлаб, шу йили консерватория қошидаги ассистентура-стажировкага киради. Ўқиш жараёнида ҳамма фанлардан аъло ўқигани сабабли у 1998-99 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори бўлади.

Бугунги кунда мустақил ижод қилаётган композиторлар орасида Ойдин ўзининг фаоллиги, ижодий изланишлари билан бошқалардан ажралиб туради. Ўқиш жараёниданок энг яхши асарлар учун талаба – ёшлар ўртасида ўтказилган бир неча танловларда мукофотларга сазовор бўлди. Битирув давлат аттестациясига диплом иши сифатида тақдим этган синфония, торли квартети Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ва таниқли созандалар томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган. О. Абдуллаева мусиқий танқид ва журналистика билан ҳам шуғулланиб, илмий анжуманларда қатнашиб туради, мақолалари газета ва тўпламларда эълон қилинган. У талабалик даврлариданок “Мусиқа назарияси” кафедрасида ўқитувчилик

кила бошлади, бугунги кунда ҳам сольфеджио ва гармония фанларидан сабоқ бериб келмоқда. О. Абдуллаева 1997 йилда М. Улуғбек номидаги Республика жамғармасининг 1 – даражали мукофоти, 1998 йили Республика ёшлар “Камолот” жамғармаси мукофоти, 2000 йилда эса, Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. У 2001 йилда Навоий, Зулфия ва Э. Воҳидовларнинг шеърлари асосида режиссёр Ф. Сафаров либреттосига “Вафо” опера араториясини консерваториянинг опера – студия жамоаси ижросида (дирижёр Ғ.Тўлаганов) комиссияга ҳавола этиб, консерваториянинг ассистентура – стажировкасини муваффақиятли битирди. Унинг фортепиано учун уч қисмли “Сонатина”си, “Прелюдия ва токката”си, чанг ва фортепиано учун “Концерт куйи”, виолончель учун “Фантазия”си, торли трио учун “сюита”си, труба ва фортепиано учун У. Ҳайём рубоийларига беш қисмли туркуми, рубоб – прима ва фортепиано учун “Концерт куйи”, симфоник оркестр учун “Поэма - фантазия”, саксафонлар квартети учун жаз услубидаги миниатюралари, тўрт қисмли торли квартети, симфоник оркестр учун А. Бедилнинг “Комде ва Модан” асари асосида “Севги ҳақида дoston” симфонияси, кашқар рубоби ва халқ чолғулари оркестри учун “Концерт”и, сопрано ва фортепиано учун Зулфия шеърига “Ҳижрон кунларида” ва аёллар хори учун романслари, Хамрокул Ризо шеърига “Ёр - ёр” ва У. Ҳайём рубоийларига “Келиб кетмоқдамиз...”, “Жадидлар хотираси”га бағишланган симфоник поэма каби асарлари тингловчиларга яхши таниш.

Композитор О. Абдуллаева ижодий, ўқитувчи-устозлик, маърифий - жамоатчилик фаолияти билан республикамиз мусиқий ривожига баҳоли кудрат ҳисса қўшиб келмоқда.

Биз таҳлил қиладиган асар композитор Ойдин Абдуллаева томонидан яратилган “Дутор ифори” деб номланган. У дутор алыт чолғусига мўлжалланган, созандадан юксак маҳорат, тажриба, кўникмаларни талаб этади. Ушбу куйда композитор дуторнинг ижро имкониятлари, эарблари барча сернола оҳангини топаолган. Асар нисбатан катта ҳажмда бўлиб, унда

учта турли хилхарактерга эга бўлган қисмлардан ташкил топган. Шунингдек, асарда иккита каденция ҳам мавжуд бўлиб, улардан бири муқаддима вазифасини бажаради. Бунда турли нола ва қочиримлар ҳамда резнинг аҳамиятикатта. “Дутор ифори”нинг мазмуни дутордан таралаётган оҳангини, ушбу куйдаги турли хил бир-бирига мос мазмундор мавзулар қамраб олган. Мураккаб усулда ёзилган бу асар ижрочидан боримкониятини намоён этишини талаб қилади.

Муқаддимадан келадиган ALLEGRETTO бўлими (ўлчови 3/4) ҳаракатчан ва жозибадор, у иккита оҳанг ривожини ташкил этади. Ушбу қисмда маҳорат билан тескари зарб услуби ишлатилади. ALLEGRETTO бўлимидан сўнг келадиган каденция суръат жиҳатидан эркин равишда ижро этишни талаб этади. Andante бўлими (ўлчови 4/8) вазмин ва қўшиқсимон характерида бўлиб, ўзбек халқ куйлари руҳида тузилган (оҳангларига турли безаклар берилишиниталаб этади).

Учинчи қисми ALLEGRETTO moto - қайтариш (реприза) асарнинг умумий йўналишини ифодалайди. Ижро тез суръатли бўлиб, ижрочидан катта техник маҳоратни талаб қилади. Асарнинг барча мавзулари битта яхлит асосда талқин этилади. Асар дутор чолғусининг барча имкониятларини очиб беришга мўлжалланган. “Дутор ифори” ўрта махсус ўқув юртлари мусиқа созандаларининг ижро репертуари дастурига мос келади.

Унинг услубий безаклари куйидагича:

“Дутор ифори” (фантазия) асарнинг кириш қисми: пастга, тремоло зарбларда ижро этилади.







Ўқитувчи, катта ўқитувчи, доцент лавозимларида ишлади, “Партитура ўқиш ва чолғулаштириш” фанидан дарс берди. 1989 йилдан бошлаб Ўзбекистон консерваториясида ушбу фан бўйича талабаларга сабоқ бериб келмоқда. Консерваторияда ишлаш билан бир каторда Х.Рахимов 1992 йилдан буён Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасининг раис муовини вазифасини бажариб келмоқда.

Х.Рахимов яратган симфоник ва вокал – симфоникасарлар Ўзбекистон миллий симфоник оркестри репертуарини янада бойитди.”Симфоник поэма”(1974), алът ва симфоник оркестр учун “Концерт” (1975), овоз (якка хонанда) ва симфоник оркестр учун “Концерт” (1977), овоз ва симфоник оркестр учун Ибн Сино шеърларига “Бешта рубоий” (1980), овоз ва симфоник оркестр учун Увайсий ғазалларига “Бешта романс” (1983), симфоник оркестр учун “Сайил”байрам увертюраси (1984), учта симфония - №1 “Сегоҳ” (1978), №2 (1984) ва №3 (1991), симфоник оркестр учун корейс халқ куйларига “Фантазия” (1992), фортепиано ва симфоник оркестр учун “Концертино” (1996) шулар жумласидандир. Камер симфоник оркестри учун “Рост” (1996), “Рақс” ва “Тонг” (1998) куйлари, уд ва камер оркестр учун “Фантазия” (1997), флейта ва камер оркестр учун “Оқшом қўшиғи” (1999), дутор ва камер оркестр учун “Қўштор” (2000), “Термалар” фантазияси (2001) кашқар рубоби ва оркестр учун “Арабча поэма” (2000). У композиторлардан биринчи бўлиб орган чолғуси, арфа, торли ва урма зарбли чолғулар учун “Концерт -фантазия”(1976) яратди.

Х.Рахимов ўзбек халқ чолғулари оркестри учун “Қўшиқ ва рақс” (1981), най ва оркестр учун “Армуғон ” (1990), рубоб – примава оркестр учун “Нақш ва тарона” (1990), қонун ва оркестр учун “Тарона ва уфор” (1992), пьесалар, оркестр учун сюита (1983), “Муборакбод” увертюраси, фортепиано ва оркестр учун “Ёшлик байрами” (1985) концертиноси, овоз ва оркестр учун М.Али сўзига “Номаълум солдат хотираси”га (1986) поэмаси, оркестр учун “Концерт” (1990), рубоб ва оркестр учун “Концерт” (1991), фортепиано ва оркестр учун “Фантазия” (1993), “Арабча рақс”, “Японча рақс”, “Ойдин кеча”

(Хитой куйлари асосида) (2001), овоз ва оркестр учун Навоий ғазалига “Поэма” (1990), хонанда, хор ва оркестр учун Муқимов сўзига “Баҳоуддин Балогардон” (1993), Ж. Жабборов сўзига “Сохибқирон абадияти” (1996) ва Т.Ниёз сўзига “Истиклол” (1998) ораторияларини ёзди. Бу асарлар оркестр репертуарларини бойитиш билан бир қаторда мусика ўқув даргохлари дастурига киритилган.

Х.Рахимов дамли чолғулар хусусиятларини, чолғулаштириш йўллариини пухта ўрганиб, бу борада ҳам катта муваффақиятларга эришди. Композитор дамли чолғулар оркестри учун “Шодиёна” (1982), “Тонг” (1987) увертюраларини, “Юмореска” (1985), “Скерцо” (1986), “Рақс” (1987), “Ёшлик” (1987) пьесаларини, 2 та сюита (1989, 1990), 3та марш (1993 – 95)ларни яратди. 1988 йили дамли чолғулар оркестри партитурасини ўқиш учун “Мажмуа” (Хрестоматия) тузди.

Х.Рахимов 1975 йили Уйғун билан ҳамкорликда “Парвона” номли илк мусикали драмасини ёзди. Композиторнинг “Она қалби” деб номланган биринчи операси шоир Жамол Камолнинг “Армон” достони асосида яратилган. Унинг либреттоси машхур режиссёр Ф.Сафаров қаламига мансуб. Ушбу операнинг премьераси Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг кичик сахнасида 1987 йили бўлиб ўтди. Фожиали драматик мавзунини ўзида мужассамлаган операни томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар. Композитор яратган “Мушкул сабо” (М.Бобоев пьесаси) мусикали драмаси 1989 йили, “Келин танлов” (Р.Азизхўжаев) мусикали комедияси 1997 йили сахна юзини кўрди. 1999 йили эса Х.Рахимов У. Азимов либреттосига “Алпомиш ва Ойбарчин” операсини яратди.

Х.Рахимов ижодида кўшиқ ва романс жанрлари алоҳида ўрин тутди. Жумладан, муаллифнинг “Соғинганда” (1984) номли тўпламига Ибн Сино рубоийлари туркуми, Хамид Олимжонинг “Соғинганда”, Рамз Бобожоннинг “Узоқда”, “Юлдузлар”, “Бўрон”, “Менинг севгим” каби романслари киритилган. “Меҳрим гули” тўпламида “Ўзбекистон” (Ойбек шеъри), “Тошкент қасидаси” (М.Жаббор шеъри), “Қалбим дунёси” Гулрухсор



шеъри), “Дўстлик мадхи” (Назармат шеъри), “Тошкент – Душанбе” (Назармат шеъри) кўшиқлари ва “Фаввора”, “Висол” (Б.Бойқобилов шеъри), “Боқишларинг” (Назармат шеъри), “Орзу” (Увайсий ғазали) романслари ўрин олган.

Х.Рахимов Республикамизда ўтказилган энг яхши кўшиқ танловининг 1992, 1993, 1995, 1997 йиллар совриндори. Унинг ватанпарварлик мавзусида басталанган “Ғалаба бонги”, “Аскарлар кўшиғи” (Назармат шеърлари), “Туркистон марши” (Ж.Камол сўзи) кўшиқлари ғолиб чиққан.

Композитор болалар учун ҳам бир қатор кўшиқлар яратди. Улар орасида “Дўмбоқчалар кўшиғи”, “Боғча опам”, “Ой боламиз – той боламиз”, “Бухоро”, “Самарканд”, (С.Барноев сўзлари) алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, фортерпиано учун “Альбом”ига 16та асар, фортепиано учун 18та халқ куйларини мослаштирди, қашқар рубоби тароналари, ғижжак ва фортепиано учун “Баллада”, кларнет ва труба учун сонаталар ва ҳ.к.

Х.Рахимовнинг сара асарлари нафақат Ўзбекистонда ва Марказий Осиё Республикаларида, шунингдек, чет элларда – Россия, Туркия, Миср, Болгария, Франция, Японияда ҳам муваффақиятли ижро этилган.Х.Рахимов 1997 йили “Шухрат” медали билан мукофотланди, 2001 йили “Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби” унвонига сазовор бўлди.

Шарқона анъаналаримизни ёритиб бериш, Шарқ халқлари мусиқаларини янада келажак авлодга етказиб бериш мақсадида композитор Хабибулла Рахимов томонидан “Шарқона наво - фантазия” асарини яратди. Бу асар дутор альтга мослаб яратилган бўлиб, ҳар бир қисми ўзига хос жозибадор янграйди. Қисмлардаги темплар ва ўлчовлар бир – биридан тубдан фарқ қилади. Бу эса ҳар бир қисмнинг турли усулларда ижро этилишини талаб қилади.

Асарнинг кириш қисми жўрнавоз, яъни фортепиано томонидан Moderato (4/4) темпда ижро этилади. 7 такт кириш қисмидан кейин, Allegro темпда I қисм бошланади. Дутор чолғуси энг усулларга бой чолғу бўлгани билан ажралиб туради. Бу қисм тескари зарб усулида ижро этилади. II қисм

6/8 ўлчови билан биринчи темпига нисбатан *Piu mosso*, яъни тезроқ темпда ижро этилади. Ҳар бир жумла қайтарилишида уфор усулини бошқача вариантларида чалишасарни янада гўзал безак билан бойитади.

Кейинги қисм ҳам ўзига хос бўлиб, 5/8 ўлчовида тожикча усулда, рақсона характерда ижро этилади. Бу асардаги асосий куй нафақат дуторда ижро этилади, балки фортепианода ҳам буни кўришимиз мумкин.

Фортепиано чашиб бўлганидан сўнг, дуторда ижрочи ўз маҳоратини кўрсатиб беришга хизмат қилувчи *Cadenza* ижро этилади. *Cadenza* эркин ҳолатда ва ўзига қулай усулларда ижро этилади. Куй *Cadenza*сида чалишдан бошқа яна дуторга хос бўлган декага уриш, чертиш ва пиццикатодан фойдаланиб, ижрочи ўз маҳорати қандай даражада эканлигини кўрсатади. Охириги қисм биринчи қисмдаги усулда, яъни *Allegro* темпда тескари зарбда чалинади.

Кириш қисми *Moderato* темпда фортепианода чалинади.

### **Moderato**



1 қисм Тескари зарб усулида чалинади.



2 қисм 6/8 ўлчови билан биринчи темпига нисбатан тезроқ темпда Уфор усулида ижро этилади.



## Хулоса

Инсон ҳаётини муסיқа санъатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Муסיқий тарбия инсонни гўзалликка етакловчи бир восита бўлиб, у инсоннинг эстетик ва эмоционал хусусиятларини шакллантиради. Ҳақиқий муסיқа асарлари замоннинг эстетик-ахлоқий ва сиёсий ғояларини умумлаштиради. Муסיқий гўзаллик инсоннинг маънавий қиёфаси шаклланишида муҳим омилдир.

Санъат кишиларга фақатгина маънавий озуқа берибгина қолмасдан, жисмоний камолотга эришувида ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Муסיқа санъатининг ахлоқий-эстетик тарбиядаги ролини тўғри ҳис этиб, унинг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамиятини асло унутмаслик зарур. Шунинг учун ҳар бир чолғунинг ўзига ҳос жозибали оҳанги, ижро имкониятлари, унинг тарихи, чолғуни ривожланишига ва такомиллашишига ўз хиссаларини қўшган устозлари мавжуд. Бу Битирув малакавий ишни ёзишимиздан мақсад, дутор чолғусини мукаммал ўрганиш, яъни чолғунинг қандай ясалиши, дуторлар оиласи, ижро услублари ва имкониятлари, штрихлари (зарблари), ҳар бир штрих қайси асарда қандай қўлланилиши, ҳамда унинг ривожланиши, такомиллашишига ўзининг хиссасини қўшган устозларимиз фаолияти билан ҳам танишишдир. Чолғу партиясида одатда ҳар доим ҳам ижро учун зарур бўлган штрихлари кўрсатилмайди. Шунинг учун ҳар битта асар ижроси даврида ўқитувчи маълум ноталарни тегишли штрихда (масалан, дутор чолғусига оид барча зарблар ёки тремоло) ижро этиш лозимлиги бўйича вазифа қўяди ва ўқувчи шу штрихларга амал қилишини талаб қилади. Агар ўқувчи ўқитувчи томонидан қўйилган вазифани тўлиқ бажара олмаса, ўқитувчи ноталар устига тегишли штрихларни ёзиб қўйиши лозим бўлади. Чолғу ижрочилигида ижро усулларини (чап қўлнинг

ҳолатлари)ни тўғри танлаш ҳам талаб этилади. Бу эса ижро техникасидан унумли фойдаланишни таъминлайди. Чунки, мусиқа асаридида штрихлар (зарблар) бадиий асарнинг моҳиятини, характерини ва бадиий ифодалилигини очиб берадиган ижро усулидир. Чолғу ижрочилиги бу ижодий жараён.

Айрим адабиётларда штрих, «товуш чиқариш усули» деб ҳам аталади. Айни пайтда штрихларнинг ҳар бирини алоҳида изоҳлаганда товуш чиқариш усули бўлса, бадиий асар ижросида эса, улар мажмуаси ижро усуллари кўринишида намоён бўлади. Чунки маълум бир мусиқий жумлани ҳар-хил штрихда чашиб кўрилгандан кейин, ўша жумлани очиб бера оладиган штрих танланади. Мусиқий педагогика ва мусиқашунослик соҳасидаги изланишлар, композиторларнинг ижоди ва умуман мусиқанинг ривожланиши ҳозирги замон чолғу ижрочилигининг ва шу билан бирга ижро усуллариининг ҳам ривожланишига асосий сабаб бўлмоқда.

Штрих устида сўз юритар эканмиз, ижрочилиқда уларнинг аҳамияти жуда муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз (айниқса дуторда). Ўқитувчи ўқувчига янги, нотаниш асарни ўргатар экан унинг ҳар бир жумласини қандай штрихда чашиб мақсадга мувофиқлиги устида жиддий ўйлаб кўриши керак. Чунки педагогик тажрибадан маълумки, чолғуда турли чолғулар учун ёзилган хилма-хил асарлар ижро этилади. Демак, бундай асарлар ижро этилганда шундай штрихлар танланиши керакки, асарнинг ижросида унинг бадиий моҳияти зарар кўрмасин.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Дутор чолғуси ўзига хос чолғу ҳисобланиб, ўзбек миллий созлари оиласида фахрли ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Лекин, уни янада мукаммаллаштириш, тадқиқ этиш, чолғу ҳақида, унинг тарихи, ижрочилик мактаби, замонавий талаблар, умумий ижрочилик йўллари ва услубиётини ишлаб чиқиш замон талабидир. Бу борадаҳали бажариладиган ва тадқиқотлар ўтказилишини талаб этадиган вазифалар мавжуд. Мукаммал тартибдаги ўқув дарслиги яратиш, электрон дарслик бўлса, нур устига аъло нур бўларди. Келгусида мана шу

масалага жиддий эътибор қаратилиб, тажрибали устозлар томонидан ижобий ҳал этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ушбу Битирув малакавий ишда ижрочиликнинг айрим қирраларини ёритишга ҳаракат қилдик. Дутор ҳақида кенг маълумотга эга бўлиш, уни ўрганишнинг дастлабки қадамлари, бемалол чала олиш учун бажариладиган вазифалар, штрихлар (бой зарблар)га тўхталдик. Келажакда бу Битирув малакавий иш ўзимнинг севимли чолғуим – дуторни ўрганмоқчи бўлганларга ёрдам бериши ва уни тарғибот қилиб, кенг жамоатчиликка таништиришга хизмат қилишига ишонаман.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз”. – Т.: “Ўзбекистон”, НМИУ, 2017.-488
2. Каримов И. А. “Юксак маънавият – енгилмас куч” Т. Маънавият-2008 й
3. М. А. Асиров, Ф. Н. Васильев “Дутор дарслиги” – Т., 1977
4. “Дутор наволари” Ўзбекистон халқ артисти Ориф Қосимов репертуаридан. I китоб, Т., 1980. II китоб, Т., 1983. Тўпловчи ва нотага оловчи Б. Раҳимжонов
5. “Дутор садолари” I китоб, Т., 1987. Дутор ижроси учун мослаштирувчи ҳамда тўпловчи Ғ. Қўчқоров.
6. А. Илёмов “Дутор ўрганиш китоби”. Т., 1966.
7. А. И. Петросянц “Инструментоведение Узбекские народные инструменты”. Т., 1980.
8. С. Карим-Ҳожи, Ж.Расултоев. “Чашма бўйида”. Т., 1989.
9. “Ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилиги” хрестоматияси. Тузувчи А. Ҳамидов. Т., 1978.
10. О.Қосимов «Дутор тароналари». Т., 1978.
11. А.К.Назаров «Бас дутор» дарслиги. Т., 1983.
12. А.Илюхин «Самоучитель игры на балалайке». М., 1983.
13. М.Ф.Леонов «Николай Будашкин». М., 1987.
14. И.Ражабов. «Мақомлар масаласига доир». Т., 1963.
15. П.Нечепоренко. «Исполнитель, педагог, дирижёр», М., 1986.
16. Методика обучения и исполнительства на узбекских народных музыкальных инструментах. Составитель Ф.Н.Васильев. Т., 1987.

17. Б. Раҳимжонов «Дуторчилар ансамбли». Т., 2002.
18. И. Тошпўлатова «Анъанавий дутор ижрочилиги». Т., 2004.
19. Г. Мухаммедова «Дутор дарслиги». Т., 2005.
20. «Халқ чолғулари ижрочилигининг замонавий омиллари» Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК). Т. 2015
21. «Умрбоқий созлар» Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК). Т. 2015
22. «Халқ чолғулари бошланғич таълим тизимининг амалий ва услубий вазифалари» Халқаро илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК Т. 2015).
23. «Халқ чолғулари ижрочилигида ёшлар фаоллигини ошириш масалалари». Республика илмий-амалий конференция материаллари (ЎзДК Т. 2016).

#### **Интернет маълумотлари:**

1. <http://www.assc.uz/Axborotresursmarkazi>
2. <http://www.conservatoriy.uz>
3. <http://www.gov.uz>
4. <http://www.lex.uz>
5. <http://www.ziyonet.uz>